

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР
АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ**

Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси
<https://orcid.org/0000-0001-7989-9116>

Аннотация: *Мақолада жиноят процессида мавжуд бўлган «ҳимоя», «ҳимоячи» ва «ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш» тушунчалари илмий таҳлил қилиниб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *ҳимоя, ҳимоячи, ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш, жиноят процесси, гумон қилинувчи.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида, “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиши”, 26-моддасида, “Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши”, 44-моддасида, “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи” кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Биз мазкур мақоламизда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид айрим тушунчалар, жумладан, «ҳимоя», «ҳимоячи» ва «ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш» сўзларини уйғунликда тадқиқ қилишни мақсад қилдик. Чунки, мазкур тушунчалар мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, бирига аниқлик киритмай, иккинчиси қандай маъно англатишини билиб бўлмайди.

«Ҳимоя», «ҳимоя ҳуқуқи», «ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш» тушунчалари шартли фаркланишига қарамасдан, уларнинг семантик бирлигини йўқотмайди, чунки улар гумон қилинувчини, айбланувчини ва судланувчини ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича конституциявий тамойилининг намоёнидир.

Дастлаб «ҳимоя» сўзига ойдинлик киритиб олсак.

«Ҳимоя» сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да 1. Ёрдам, кўллаб-кўлтиқлаш, ҳомийлик; 2. Судланувчи тарафини олиб қилинадиган хатти-ҳаракат, айтиладиган фикр-мулоҳаза, оқловчи томон деган таърифлар берилган.

В.И.Даль эса «ҳимоя» сўзи «мудофаа, қўриқлаш, қалқон, ён босиш» маъноларини англатишини таъкидлаб ўтган.

Р.Р.Валюлик қуйидагиларни билдирган: «Жиноят процессида «ҳимоя тушунчасига фақат жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс билан боғлиқ бўлган

торроқ маъно берилган. Шу маънода «ҳимоя» тушунчаси учта процессуал функциялардан бири: ҳимоя, айблаш, ишни моҳиятан ҳал этиш маъноларини англатади».

Д.В.Шарапова қуйидаги қарашни илгари сурган: «ҳимоя – айбланувчи, шунингдек унинг ҳимоячисининг жиноий таъқибга қарши турувчи онгли, мақсадли фаолиятдир».

Ҳимоя - айбловни рад этиш ва айбланувчининг айбсизлигини аниқлаш ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштиришга қаратилган ўзига хос процессуал фаолиятдир.

Э.В.Горбачева ҳимоя сўзига жиноят-процессуал нуктаи назардан ёндашиб қуйидагиларни таъкидлайди: «Ҳимоя айбланувчи ва гумон қилинувчини қонунга хилоф ҳаракатлардан ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатларни ноқонуний бузилиши ва чекланишидан асровчи жиноят-процессуал фаолиятдир.

Д.М.Чориева фикрича ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Биз юқоридаги олимлардан, Д.В. Шарапова, Э.В. Горбачева, Д.М. Чориева фикрларига қисман қўшилаамиз. Чунки, улар ҳимояни амалга оширувчи шахсларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантирмаган. Мисол учун, юқорида ҳам келтирганимиздек Д.В. Шарапова ҳимоя – айланувчи, шунингдек унинг ҳимоячисининг жиноий таъқибга қарши фаолияти деб билса, Э.В. Горбачева айбланувчи ва гумонланувчининг, Д.М. Чориева ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг процессуал фаолияти деб билади.

Барчага маълумки жиноят процессида адвокат гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонида иштирок этса – ҳимоячи (амалдаги ЖПКнинг 49-моддаси), жабрланувчи томонида қатнашса – вакил мақомида бўлади (амалдаги ЖПКнинг 49-моддаси). Назаримизда адвокатнинг бундай мақомда бўлиши бежиз эмас. Чунки, жиноят ишида иштирок этаётган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига нисбатан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахслари гумон ёки айб эълон қилиш шаклида ҳужум қилади. Бунинг натижасида эса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилиши, чекланишига реал хавф вужудга

келади. Адвокат эса бундай вақтда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонида иштирок этиб, уни юқорида кўрсатилган ҳужумдан ҳимоя қилади.

Жабрланувчининг ҳуқуқларини бузилишига нисбатан юқоридаги хавф мавжуд бўлмайди. Чунки, суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш, шунингдек ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам жабрланувчи тарафида иштирок этадиган адвокат жиноят процессида вакил деб номланиб, асосан, жабрланувчининг турли хил ҳуқуқлари бузилиш ҳолатидан ҳимоя қилиш учун эмас, балки жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлароқ ва кўпроқ ифодалаш учун ҳаракат қилади.

Мазкур мисолдан келиб чиқиб айта оламизки, ҳуқуқлари бузилиши ёхуд чекланишига реал хавф мавжуд бўлган шахсларга юридик хизмат кўрсатувчи адвокатлар ушбу иш доирасида ҳимоячи деб номланади.

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Жиноят процессида ҳимоя деганда – жиноят процессида ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ва уларнинг ҳимоячисининг айбсизликни исботлаш ёхуд жавобгарликни енгиллаштиришга, шунингдек бузилган ҳуқуқларни қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолияти тушунилади.

Мазкур таъриф асосида ҳимоячи тушунчасига ойдинлик киритиш лозим бўлади. Чунки, назаримизда амалдаги ЖПК ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳимоячи сўзига берилган таърифлар унинг мазмунини тўлиқ очиб бермаган. Шунинг учун ҳам мазкур масала адабиётларда кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Хусусан, Г.З. Тўлаганова ва С.Р. Базаровлар томонидан ҳимоячига ҳуқуқий нуқтаи назардан қуйидагича таъриф берилади: «Ҳимоячи — қонунда кўрсатилган тартибда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга шахсдир.

В.И.Даль эса «ҳимоячи» сўзи «кимнидир ёки ниманидир қўриқловчи, муҳофаза қилувчи, қолдирувчи» деган маъноларини англатишини билдириб ўтган.

Амалдаги ЖПКнинг 49-моддаси биринчи қисмида ҳимоячи тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. Ҳимоячи – гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи бандида апелляция, кассация суди томонидан кўриладиган ишларда ҳимоячининг иштирок этиши лозимлиги белгиланган. Ушбу босқичларда ҳимоячи маҳкум ёки оқланган шахсни ҳимоя қилади. **Украина Республикаси, Қозоғистон Республикаси** ва бошқа бир қанча МДХ давлатлари ЖПКда ҳимоячига таъриф бериш жараёнида ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум ва оқланган шахсга юридик хизмат кўрсатувчи субъект сифатида таърифланган. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатадики юқоридаги давлатлар қонунчиликлари ҳам ҳимоячига тўлиқ таъриф бера олмаган.

А.А.Барыгина химоячи нафақат ЖПКда бевосита кўрсатилган, балки кўрсатилмаган субъектларга ҳам юридик хизмат кўрсатишини таъкидлаган. А.П. Рыжаков химоячи жиноят содир этган барча шахсларга хизмат қилишини ўз асарларида келтириб ўтган. Биз ушбу олимларнинг фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки, амалдаги ЖПКнинг 571-моддасида химоячи ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган ҳамда жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсга ҳам юридик хизмат кўрсатиши белгиланган. Мазкур шахслар томонидан Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиладиган бўлса, ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят эмас, балки ижтимоий хавфли қилмиш сифатида баҳоланиши фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, амалдаги ЖПК 84-моддасига мувофиқ химоячи жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган шахсларга, 497²-моддасига кўра эса маҳкумга ва оқланган шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллар асосида “химоячи”га нисбатан қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

Химоячи – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, оқланган шахс, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ҳамда жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган, шунингдек жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Қонунчилигимизда химоя ҳуқуқини таъминлашга салбий таъсир этувчи яна бир ҳолат амалдаги ЖПКнинг 49 ва 224-моддалари орасидаги номувофиқликдир. Юқорида ҳам айтганимиздек, амалдаги ЖПКнинг 49-моддасида химоячи *гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига* хизмат кўрсатиши белгиланган. Шунингдек, ЖПК 224-моддасида жиноят иши қўзғатилишдан олдин ушланган шахс химоячига эга бўлиши мумкин эканлиги белгиланган. Эътиборли томони шундаки, бундай вақтда шахсга гумон қилинувчи мақоми берилмайди. Ушбу мисолдан, қонунчиликда жиноят иши қўзғатилишидан олдин химоячи кимга хизмат кўрсатиши мумкинлиги масаласи очиқ қолиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

М.Э. Муминов жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят содир этган шахснинг процессуал мақоми жиноят-процессуал қонунида белгиланмаганлиги сабабли шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига сабаб бўлаётганлигини ўз тадқиқотида келтириб ўтади. Дарҳақиқат, мазкур олимнинг фикри ҳар жиҳатдан асослидир. Чунки, ҳуқуқий мақоми белгиланмаган шахснинг, ҳуқуқлари ҳам бўлмайди.

Терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш масаласи юзасидан амалиёт ходимларинг фикри ўрганилганида, уларнинг 69 % мазкур таклифни ижобий баҳолади.

Мазкур масалада бир қатор олимлар ўзларининг фикрларини билдириб ўтган. Мисол учун, М.Дж. Ботаев янги процесс иштирокчиси сифатида “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс”ни қонунчиликка киритиш лозим деб билади.

Д.М. Чориева ҳам М.Дж. Ботаев фикрига яқин қарашни илгари суради. Яъни жиноят-процессуал ҳуқуқига “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс”ни киритиш кераклик ғоясини илгари суради.

Биз, М.Дж. Ботаев ва Д.М. Чориева фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки, “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс” ёки “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс” деганда биз, фақат ҳуқуқбузарлик содир этишда шубҳаланилаётган шахсни эмас, балки ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар қилган аризачини, шунингдек гувоҳларни ҳам тушунамиз. Мисол учун, жиноят иши қўзғатилишидан олдин аризачи ва гувоҳларга нисбатан тушунтириш хати олиш, экспертиза тайинлаш сингари терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиши мумкин. Ушбу мисолдан, юқоридаги олимлар илгари сурган “терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс” ёхуд “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс” атамаси, нафақат, ҳуқуқбузарлик содир этишда шубҳаланилаётган шахсни, балки аризачи ва гувоҳни ҳам қамраб олишини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, М.Дж. Ботаев ўзи ишлаб чиққан процессуал субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида ҳам тадқиқотлар ўтказди. Мисол учун, мазкур олим ЖПКга “*Терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*” деб номланган янги 48²- моддани киритишни лозим деб билади. Эътиборли томони шундан иборатки, М.Дж. Ботаев ишлаб чиққан терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги ЖПКда мавжуд бўлган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан деярли бир хил.

Назаримизда, бир хил ҳуқуқ-мажбуриятга эга бўлган жиноят-процессда икки хил субъектни жорий этиш биринчидан, ЖПК моддалари сонини ошишига, шунингдек, жуда кўп моддаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга олиб келади. Тўғри, агар бунга зарурат бўлса, ушбу ўзгаришни амалга ошириш керак. Лекин, юқоридаги муаммони ечиш учун яна ҳам осонроқ йўлнинг мавжудлиги, мазкур ислохотни амалга ошириш лозимлигини истисно этади. Назаримизда, гумон қилинувчи сифатида жалб этилиши мумкин бўлган шахслар тоифасини кенгайтириш орқали муаммога ечим топиш энг мақбул усулдир.

Юқоридаги масалага оид халқаро тажрибага эътибор қиладиган бўлсак қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин:

Қозғистон Республикасида (ЖПК 64-модда) гумон қилинувчи деб қуйидаги шахсларга нисбатан айтилади:

1) прокурор томонидан гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарилган шахс;

2) прокурор гумон қилинувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлашни рад етгунига қадар сўроқ қилинган шахс;

3) ЖПКда белгиланган тартибда ушланган шахс.

Озарбайжон Республикасида (ЖПК 90-модда) қуйидагилар гумон қилинувчи деб эътироф этилади:

1) айб эълон қилиш учун ушлаш тўғрисида қарор чиқарилган шахс;

2) жиноят содир этганликда гумонланиб ушланган шахс;

3) эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган шахс (қамоққа олиш, гаров ва уй қамоғи бундан мустасно).

Украина Республикаси қонунчилиги бўйича (ЖПК 42-модда) гумон қилинувчига қуйидагича таъриф берилган:

Гумон қилинувчи – ЖПКда назарда тутилган тартибда гумон қилинувчи тариқасида хабардор қилинган шахс, шунингдек жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахс... тушунилади.

Эстония Республикасида (ЖПК 33-модда) ҳам жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахс гумон қилинувчи деб аталади.

Юқоридаги олимлар фикри, ўтказилган сўровнома натижалари, хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, ЖПКнинг 47-моддасини қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламиз:

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир.

Шахс:

1) айбини исботлаш учун ўзига нисбатан терговга қадар текширув бошланган;

2) жиноят содир этишда гумон қилиниб, ЖПКнинг 224-моддасида белгиланган тартибда ушланган;

3) суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади.

Юқорида “ҳимоя”, “ҳимоячи” сўзлари ишлаб чиқилган янги таърифлар амалдаги ЖПКнинг 24-моддасида келтирилган “гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” моддасига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Ушбу моддада қуйидаги қоида келтирган:

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар қўриш мажбурияти билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-сонли қарорида гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи — юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир. Ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминланади деб ёзиб қўйилган.

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга бир қанча олимлар ўзининг фикрларини билдирган. Жумладан, В.Ю. Мельников жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилган фаолияти.

Б.А. Саидов ЖПК 24-моддасини қуйидаги тахрирда баён этишни таклиф қилади: Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи – юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони енгиллаштириш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар йиғиндисидир.

Ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичида таъминланади.

Бизнинг фикримизча юқоридаги олимларнинг фикрларини тўлиқ деб бўлмайди. Назаримизла, ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига маҳкум, оқланган шахс, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ҳамда жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган, шунингдек жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган шахсларни ҳам киритиш керак. Чунки, юқорида ҳам айтганимиздек, нафақат, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, балки ҳимоячи олиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахслар жиноят процесси доирасида ҳимояни амалга оширади ва шунинг учун ҳам ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаб бериш мажбурияти юкланган жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга терговга қадар текширув органи мансабдор шахсини ҳам қўшиш лозим.

Барчага маълумки, амалдаги ЖПКнинг 322-моддасига мувофиқ жиноят ишини қўзғатиш сабаблари аниқланган ҳар бир ҳолатда терговга қадар текширув ўтказилиб кўрилади. Терговга қадар текширув муддати 1 ойгача ҳисобланади ва мазкур вақтда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш мақсадида шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш сингари процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Амалдаги ЖПК бўйича терговга қадар текширув органи мансабдор шахси юқорида кўрсатилган процессуал

ҳаракатларини амалга оширишдан олдин шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши ҳамда уларни амалда реал қўллаш олиш учун имкониятлар яратиб бериши лозим. Мисол учун, амалдаги ЖПКнинг 224-моддасида жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби белгиланган бўлиб, унда шахсни ушлаган ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши сингари ҳуқуқларини тушунтириш лозимлиги белгиланган. Мазкур мисоллардан терговга қадар текширув органи мансабдор шахси зиммасига ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаб бериш мажбурияти юкланганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, амалдаги ЖПК 24-моддасини қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламиз:

24-модда. Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, оқланган шахс, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ҳамда жиноят содир этганидан кейин рухий ҳолатининг бузилиши юзага келган, шунингдек жинойий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган шахслар ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда улар ўзларига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтдиган бўлсак, таклиф этилаётган “ҳимоя”, “ҳимоячи”, “ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш” тушунчаларининг таърифи амалдаги ЖПКнинг яна ҳам аниқроқ фойдаланишига, турли хил тушунмовчиликларнинг олдини олишга, ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётининг шаклланишига, терговга қадар текширув даврида ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <https://constitution.uz/uz/clause/index> (мурожаат вақти: 14.11.2021).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-198-сонли қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/1419978> (мурожаат вақти: 13.06.2022).

3. Бородинова Т.Г., Губко И.В. Право на получение квалифицированной юридической помощи в уголовном судопроизводстве России: современные проблемы реализации в судебной практике // Теория и практика общественного развития. – 2021. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravo-na-poluchenie-kvalifitsirovannoy-yuridicheskoy-pomoschi-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-rossii-sovremennyye-problemy-realizatsii> // (мурожаат вақти: 14.11.2021).

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. «Х» - харфи. – Т – 2020, – Б.66.

5. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. // URL: http://www.ets.ru/pg/r/dict/dal_dic.htm (мурожаат вақти: 05.08.2021).

6. Валюлин Р.Р. Проблемы участия адвоката-защитника в процессе доказывания по уголовному делу // Юридическая наука. – 2021. // URL: <file:///C:/Users/adm/Downloads/problemy-uchastiya-advokata-zaschitnika-v-protssesse-dokazyvaniya-po-ugolovnomu-delu.pdf> // (мурожаат вақти: 13.11.2021).

7. Шарапова Д.В. Участие защитника в суде апелляционной инстанции: Дис. ... на соискание ученой степени док. юрид наук – М., 2017. С. 18.

8. Б.Н. Рашидов. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик. Т: Ички ишлар вазирлиги Академияси. 2019 – Б.31.

9. Горбачева Е.В. Функции защиты как необходимый элемент состязательного процесса // Сайт Право и правосудие. – 2003. // URL: <http://albookerk.ru/g/pasent/gorbacheva.html> (мурожаат вақти: 30.01.2022).

10. Чориева Д.М. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини қенгайтириш масалалари: Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. Автореферати. – Т., 2022. Б. 19.

11. Тўлаганова Г.З., Базаров С.Р. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки: Ўқув – қўлланма. – Т., 2009. – Б.7.

12. Миразов Д.М., Хожаназаров И.Э. в.б. Жиноят процесси: Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – Б. 56.

13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Украина от 13 апреля 2012 (По состоянию на 21.07.2020). // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31197178 (мурожаат вақти: 03.02.2022).

14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (По состоянию на 06.10.2020). // URL: <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000231> / (мурожаат вақти: 03.02.2022).

15. Барыгина А.А. Категория «защитник» в уголовно-процессуальном законодательстве. // Проблемы и вопросы уголовного права, уголовного процесса – 2021. – С.7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kategoriya-zaschitnik-v-ugolovno-protssesualnom-zakonodatelstve> (мурожаат вақти: 02.02.2022).

16. Муминов М.Э. Ишни судга қадар юритишда далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш. Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. Автореферати – Т., 2021 й. – Б.14.

17. Ботаев М.Дж. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Юрид.фан.бўйича фал-а д-ри (PhD) дисс. – Т., 2020. Б. 178.

18. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.07.2021 г.). // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852#pos=4;-106/ (мурожаат вақти: 13.07.2021).

19. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.06.2022 г.).

20. Уголовный процессуальный кодекс Украины. // URL: https://kodeksy.com.ua/ka/ugolovno_protsestualnij_kodeks_ukraini.htm/ (мурожаат этилган сана: 13.07.2021).

21. Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 13.06.2022).

22. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексн // URL: <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат вақти: 01.08.2022).

23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 17-сонли қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1453755> (мурожаат вақти: 01.08.2022).

24. Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве российской федерации: Автореф. дис. ... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – М., 2014. URL: <https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenenii-mer-protsestualnogo-prinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiys> (мурожаат вақти: 11.08.2022).

25. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш: Монография. Т., Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2020. – Б. 65.